# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 15 сентябрь, № 193 (8536) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЕЛГУСИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚАТОР ТАКЛИФЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 14 сентябрь куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Аэропортда давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Президентининг Душанбега ташрифи Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашувдан бошланди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражадаги келишувлар ижросининг амалий жиҳатларига, энг аввало, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада қўшма Ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият олиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда давлат раҳбарлари Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммити кун тартибига киритилган масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Минтақавий ҳамкорликнинг бошқа жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган саммитда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, фахрий меҳмон сифатида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ҳамда БМТ Бош котибининг махсус вакили — Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Каха Имнадзе ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, минтақада кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги замонавий таҳдид ва хатарларга қарши чора кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқида минтақа мамлакатлари ўртасида ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги умумий саъй-ҳаракатларни юксак баҳолади.

— Умумий саъй-ҳаракатларимиз туфайли ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш ва ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги мазмун билан тўлдириш борасида жиддий олдинга силжишга эришдик. Бизнинг сиёсий мулоқотларимиз ва парламентлараро алмашувлар доимий тус олмоқда. Мулоқот ва ҳамкорлик учун турли платформалар ишга туширилди, — деди давлатимиз раҳбари.

Марказий Осиёда барқарорлик ва бирдамлик мустаҳкамланаётгани асосий натижа сифатида қайд этилди. Минтақамиз иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаоллик марказларидан бирига айланмоқда, Ғарбни Шарқ ва Шимолни Жануб билан боғлайдиган транспорт хаби бўлишдек тарихий вазифани яна ўз зиммасига олмоқда.

Глобал жараёнларнинг минтақанинг барқарор ривожланишига таъсири чуқур таҳлил қилиниб, бундай хавф-хатарларга самарали қарши туриш имконияти кўп қиррали шерикликни чуқурлаштиришга қаратилган қўшма саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга боғлиқлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги истиқболлари бўйича қатор таклифларни билдирди.

— Савдо-иқтисодий ҳамкорлик минтақавий шериклик ва интеграциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Биз ушбу йўналишда минтақа мамлакатлари билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда барча зарур шарт-шароитларни яратмоқдамиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Товар айланмаси ҳажмини ошириш мақсадида истисно ва чекловларсиз тўлақонли эркин савдо зоналарини тезроқ шакллантириш таклиф қилинди.

Шу муносабат билан минтақада барқарор савдо-логистика занжирларини шакллантириш, чегараолди ҳудудларида савдо ва кооперация марказларини очиш ва кенгайтириш, ўзаро савдо бўйича қонунчиликни уйғунлаштириш ва бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш, божхона маъмурчилиги, санитар ва фитосанитар назорати, товарларнинг қаердан олиб келинаётганини сертификатлаш бўйича ягона электрон платформалар яратиш, минтақавий электрон савдо майдонини ишга туширишни кўзда тутадиган комплекс минтақавий дастурни қабул қилиш зарур.

➡2

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Авваламбор, анъанавий илиқ қабул ва тадбирни юксак даражада ташкил этгани учун Тожикистон Республикаси Президенти ҳурматли Эмомали Шарипович Раҳмон номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Бугунги учрашувимизда Озарбайжон Республикаси Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни кўриб турганимдан хурсандман. Сизнинг иштирокингиз минтақа мамлакатларининг Озарбайжон билан чуқур тарихий боғлиқлиги ва ҳамкорликнинг ҳозирги юксак даражасининг яна бир тасдиғидир.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юқори мартабали вакили Каха Имнадзе жанобларини ҳам қутлайман. У бошқараётган Минтақавий превентив дипломатия маркази Марказий Осиёда кўп қиррали шерикликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётганини қайд этмоқчиман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги бешинчи Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши ва унда илгари сурилаётган ташаббуслар бизнинг ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шерикчиликка асосланган муносабатларимизни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кучайтириш йўлидаги интилишларимизни намоён этмоқда.

Умумий саъй-ҳаракатларимиз туфайли ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш ва ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги мазмун билан тўлдириш борасида жиддий олдинга силжишга эришдик.

Бизнинг сиёсий мулоқотларимиз ва парламентлараро алмашувлар доимий тус олмоқда. Мулоқот ва ҳамкорлик учун турли платформалар ишга туширилди.

Шу кунларда Душанбеда анъанага айланган етакчи аёллар, ректорлар, олимлар, ёшлар учрашувлари, иқтисодий форум ва кўргазмалар, бир қатор маданий-гуманитар тадбирлар муваффақиятли ўтмоқда.

**Энг асосийси — Марказий Осиёда барқарорлик ва бирдамлик мустаҳкамланмоқда. Бизнинг минтақамиз иқтисодий ўсиш ва инвестицион фаоллик марказларидан бирига айланмоқда, Ғарбни Шарқ ва Шимолни Жануб билан боғлайдиган транспорт хаби бўлишдек тарихий вазифани яна ўз зиммасига олмоқда.**

Сўнгги йилларда минтақа мамлакатларининг умумий ички маҳсулоти 40 фоизга кўпайди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо ҳажмининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Масалан, товар айланмаси 2,5 баробардан зиёд ошди. Ўзаро инвестициялар ҳажми қарийб 6 марта, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими эса 45 фоизга ўсди. Бундан ташқари, ички минтақавий туризм кўрсаткичлари 2 баробар ошди.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Минтақа мамлакатлари фаолиятининг халқаро майдонда яқиндан мувофиқлаштирилгани умумий саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Бугун биз глобал ва минтақавий сиёсат кун тартибидаги кўплаб долзарб масалалар бўйича ягона позицияда туриб ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг мамлакатларимиз 2017 йилдан буён Марказий Осиёдаги тараққиёт ва шерикликнинг муҳим масалаларига оид Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 8 та резолюциясини қабул қилиш юзасидан ташаббусларни илгари суришди.

Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда ва кенг эътироф этилмоқда. “Марказий Осиё плюс” форматида қарийб 10 дан ортиқ ҳамкорлик мулоқоти таъсис этилгани буни тасдиқлайди. Ана шу мулоқотлар доирасида ташқи ишлар вазирлари даражасида бизнинг биргаликдаги ҳаракатимиз бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги кунда бизнинг барча мамлакатларимиз дунёда кузатилаётган геосиёсий рақобат ва зиддиятларнинг оқибатларини тўлиқ ҳис этмоқда. Бу ўринда савдо ва транспорт-логистика занжирларининг узилиши, инвестиция ва технологиялардан фойдаланиш борасидаги чекловлар, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича муаммоларнинг кескинлашуви ҳақида сўз бормоқда.

Иқлим ўзгаришлари алоҳида хавотир уйғотмоқда.

Ана шундай хавф-хатарларга самарали қарши туриш имконияти кўп қиррали шерикликни чуқурлаштиришга қаратилган қўшма саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга боғлиқ.

Шу муносабат билан ҳамкорлигимиз истиқболлари бўйича қатор таклифларни билдирмоқчиман.

**Биринчи. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик** минтақавий шериклик ва интеграциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Биз ушбу йўналишда минтақа мамлакатлари билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда барча зарур шарт-шароитларни яратмоқдамиз.

Товар айланмаси ҳажмини ошириш мақсадида истисно ва чекловларсиз тўлақонли эркин савдо зоналарини тезроқ шакллантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан минтақада барқарор савдо-логистика занжирларини шакллантириш, чегараолди ҳудудларида савдо ва кооперация марказларини очиш ва кенгайтириш, ўзаро савдо бўйича қонунчиликни уйғунлаштириш ва бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш, божхона маъмурчилиги, санитар ва фитосанитар назорати, товарларнинг қаердан олиб келинаётганини сертификатлаш бўйича ягона электрон платформалар яратиш, минтақавий электрон савдо майдонини ишга туширишни кўзда тутадиган комплекс минтақавий дастурни қабул қилишни таклиф этамиз.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташқи савдо фаолияти бўйича масъул бўлган вазирларнинг доимий учрашувини ўтказиш механизмини ишга туширишни таклиф қиламиз.

**Иккинчи. Саноат кооперациясини ривожлантириш.**

Бизда бу соҳада муваффақиятли шериклик бўйича тажриба бор. Бу — енгил автомобиллар, маиший техника, тўқимачилик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва шунингдек, Озарбайжон билан чегараолди ҳудудлари кооперациясидир.

Учинчи давлатларга экспорт қилишни кўзлаган ҳолда минерал ўғитлар, полимерлар, металлдан тайёр буюмлар, тайёр тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича истиқболли йўналишлар бўлиши мумкин.

Бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз тизимли тус олиши учун Марказий Осиё мамлакатларининг узоқ истиқболга мўлжалланган саноат кооперациясини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

**Учинчи. Бу — транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликдир.**

Асосий ташқи бозорлардан жуғрофий жиҳатдан узоқлигини ҳисобга олганда, бизнинг мамлакатларимизда юкларни ташиш учун кетадиган харажатлар улуши товарларнинг сўнгги қийматига нисбатан 50 фоизгача етмоқда.

Айни вақтда дунёдаги ўртача кўрсаткич 11 фоиздан ошмайди. Натижада бизларнинг иқтисодиётимиз ривожланган давлатлардагидан кўра 2-3 марта кўп транспорт харажатини кўтаришга мажбур бўлмоқда.

Мамлакатларимизнинг транспорт соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш мақсадида тармоқ вазирлари учрашувлари доирасида Марказий Осиёда Транспорт ва транзит ҳақидаги битимни ишлаб чиқиш, бизнес учун қулай бўлган оралиқ тарифларни қўллаган ҳолда, Хитой, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига чиқиш учун самарали транспорт коридорларини ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни шакллантириш, Транспорт хизматлари бозорини либераллаштириш ва рухсат этишга доир тартиб-таомилларни оптималлаштириш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш, Халқаро ташувларнинг интеграциялашган рақамли платформасини яратиш имкониятлари мавжуд, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг биргаликдаги фаолиятимизга озарбайжонлик шерикларни фаол жалб этишни таклиф қиламан.

**Тўртинчи. Энергетика соҳасида хавфсизликни таъминлаш.**

Афсуски, минтақада энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш суръатлари саноатлаштириш ва урбанизация жараёнлари, шунингдек, демографик ўсишдан орқада қолмоқда. Бугунги кунда бу мамлакатларимизнинг узоқ муддатли барқарор ривожланиши йўлидаги жиддий таҳдиддир.

Биз бундай шароитда тармоқ вазирликлари ва миллий компанияларимизнинг геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли конларни ўзлаштириш, энергия ресурсларини сақлаш ва етказиб бериш бўйича мавжуд инфратузилмаларни кенгайтириш ва замонавий инфратузилмаларни яратиш соҳасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, электр энергиясини етказиб бериш учун янги магистраль тармоқларни барпо этиш ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишига айланиши лозим.

Бизнинг минтақамиз, шунингдек, гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Биз Тожикистонда Зарафшон дарёсида ГЭС қуриш лойиҳасини биргаликда ишлаб чиқмоқдамиз, Қирғизистонда Қамбарота ГЭС-1 лойиҳасини амалга ошириш масаласини фаол ҳал этмоқдамиз.

Шу билан бирга, энергия манбаларини диверсификация қилмасдан, муқобил энергетика соҳасига инвестиция ва технологияларни жалб этмасдан ва “яшил” водородни ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб, минтақани барқарор ривожлантириш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

**Бешинчи. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.**

Биз яқинда Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти шафелигида дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан келган вазир ва экспертлар иштирокида халқаро конференция ўтказдик. Бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар давомида бизнинг минтақамиздаги заиф нуқталар яна бир бор қайд этиб ўтилди.

Булар — аграр секторнинг илмий-технологик жиҳатдан етарлича ривожланмагани, сув ресурслари борасидаги ўткир тақчиллик, қўшимча қиймат яратишнинг узоқ ва самарасиз занжирлари, иқлим инқирози ва логистикадаги узилишлар олдидаги беқарорлик, соғлом овқатланиш масалаларидир.

Бу соҳада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўмагида минтақавий Шериклик дастурини тайёрлаш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаб айтмоқчиманки, бизнинг мамлакатларимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан нафақат минтақанинг ички бозоридаги мавжуд эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш, балки уларни экспорт қилишдек муҳим имкониятга ҳам эгадир.

**Олтинчи. Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш** минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим омилига айланмоқда.

Шу муносабат билан келгуси йил баҳор фаслида Самарқандда Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро форум ўтказмоқчимиз. Минтақа мамлакатлари делегацияларини ушбу анжуман ишида фаол иштирок этиш учун таклиф қиламан.

Форум якунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” деб номланган резолюцияси лойиҳаси тайёрланади.

Шунингдек, Иқлим ўзгаришларига мослашиш масалалари бўйича минтақавий стратегияни қабул қилиш ҳам иқлим барқарорлигини ва “яшил” тараққиётни таъминлашга қўшилган амалий ҳисса бўлиши мумкин.

Минтақанинг иқлимга оид ягона кун тартибини шакллантириш ва биргаликда таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш учун биз экология вазирлари даражасида “Иқлим бўйича Марказий Осиё мулоқоти” кўп томонлама платформасини таъсис этишни таклиф қиламиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Умумий тарих, урф-одат, маданият ва қадриятларга — Марказий Осиёнинг ноёб цивилизацияси муштараклиги ва ранг-баранглигига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик бизнинг энг муҳим анъанавий устувор йўналишимиздир.

Биргаликдаги маданият, санъат ва кино кунлари, “дўстлик кечалари”, ёшлар форумлари, ижодкор зиёлиларнинг учрашувлари, илмий симпозиум ва спорт мусобақаларини ўтказиш эзгу анъанага айланиши лозим. Ушбу йўналишдаги ишларнинг тизимлилигини таъминлаш мақсадида Марказий Осиё мамлакатларининг маданий-гуманитар ҳамкорлигини чуқурлаштириш бўйича Ҳаракатлар режасини қабул қилишни таклиф этамиз.

Айни вақтда бизнинг ноёб маданий-тарихий ва маънавий меросимизни халқаро майдонда кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фаол фойдаланиш зарур. “Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак” халқаро медиа платформасини яратиш бу йўналишдаги амалий қадам бўлади. Бунда умумий минтақавий контентни шакллантириш учун олимлар ва кенг жамоатчилик вакилларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Буларнинг барчаси бир-бирини ўзаро тушуниш ва умумминтақавий ўзига хосликни англаш туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳурмат саммит иштирокчилари!

Ҳеч шубҳасиз, бизнинг келажагимиз — бу бизнинг ёшларимиздир. Шу маънода, бугун имзоланадиган Марказий Осиё давлатлари ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари тўғрисидаги битим алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ёшларнинг билим ва малакасини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш, уларни етук малакали кадрлар қилиб тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида шу йўналишдаги халқаро ташкилотлар иштирокида Марказий Осиё ёшлари имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш марказини ташкил этишни таклиф этамиз.

➡2

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

1

Шунингдек, мамлакатларимиздаги истеъдодли ёшлар учун илм-фан ва таълим соҳасида Ал-Хоразмий, Форобий, Жомий, Махтумқули, Чингиз Айтматов каби Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар, аллома ва файласуфлар номидаги минтақавий грант ва стипендиялар таъсис этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ёш авлодни экстремистик ғояларга таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида ёшларнинг радикаллашувига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Минтақавий комплекс дастур ишлаб чиқиш зарур, деб биламиз.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришни фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Умумий таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича жамоавий қарорлар ишлаб чиқиш учун биз доимий равишда ва ўзаро ишонч асосида фикр алмашиб туришимиз лозим.

Шу муносабат билан хавфсизлик масалалари бўйича давлатларимизнинг Хавфсизлик кенгашлари котиблари томонидан мувофиқлаштириб бориладиган мунтазам йиғилишларни ўтказиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз.

Марказий Осиё мамлакатлари чегараларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича Давлатлараро дастурни ишлаб чиқишга киришишни таклиф этамиз.

Хавфсизликка нисбатан анъанавий ва янги хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги сценарийларни амалда қўллаш бўйича қўшма ҳарбий-ўқув машқларини давом эттириш муҳимдир.

Фавқулодда вазиятлар юзасидан прогнозлар қилиш, уларнинг олдини олиш, барвақт огоҳлантириш ва уларга биргаликда қарши туриш борасида Минтақавий тизимни шакллантириш бугунги кун талаби, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка бевосита таъсир кўрсатадиган энг асосий омиллардан бири Афғонистондаги вазиятдир.

Афғонистоннинг бугунги ҳокимияти билан доимий ва очиқ мулоқот, ушбу мамлакатни минтақадаги иқтисодий жараёнларга интеграция қилиш ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам афғон халқига зарур ёрдам кўрсатади, шу мақсадда Термиздаги халқаро хабни гуманитар кўмак учун тақдим этади, афғон фуқароларини махсус ташкил этилган таълим марказида ўқитишни давом эттиради.

Трансафғон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини илгари суриш билан бирга, Афғонистоннинг ички транспорт йўлларини тиклаш ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, афғон томони билан чегаралар хавфсизлиги, сувдан фойдаланиш ва савдо-сотиқни ривожлантириш масалалари бўйича мулоқот муҳимдир.

Афғонистон ҳокимияти билан ҳамкорлик бизнинг манфаатларимизни умумий тушунишдан келиб чиқиши ва ўзаро келишилган ҳолда бўлиши зарур. Бунинг учун Марказий Осиё мамлакатларининг Афғонистон бўйича махсус вакиллари даражасида Мулоқот гуруҳини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бизнинг учрашувларимиз ва эришган келишувларимизни амалда жорий этиш самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Маслаҳат учрашувлари ишлари бўйича Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашини таъсис этиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз.

Бундан ташқари, кун тартибидаги савдо-иқтисодий масалаларининг бутун комплекси бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун Марказий Осиё давлатлари иқтисодий кенгашини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Сўзимнинг якунида бугунги учрашувимиз натижалари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга, кенг миқёсдаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЕЛГУСИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚАТОР ТАКЛИФЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

1

Минтақа мамлакатлари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантиришга тўхталар экан, Ўзбекистон Президенти енгил автомобиллар, маиший техника, тўқимачилик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Озарбайжон билан чегараолди ҳудудлари кооперациясини муваффақиятли шерикликка мисол сифатида қайд этди.

Учинчи давлатларга экспорт қилишни кўзлаган ҳолда минерал ўғитлар, полимерлар, металлдан тайёр буюмлар, тайёр тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича истиқболли йўналишлар бўлиши мумкин.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларга тизимли тус бериш учун Марказий Осиё мамлакатларининг узоқ истиқболга мўлжалланган саноат кооперациясини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Асосий ташқи бозорлардан жуғрофий жиҳатдан узоқлигини ҳисобга олганда, мамлакатларимизда юкларни ташиш учун кетадиган харажатлар улуши товарларнинг сўнгги қийматига нисбатан 50 фоизгача етаётгани таъкидланди. Айни вақтда дунёдаги ўртача кўрсаткич 11 фоиздан ошмайди. Натижада иқтисодиётимиз ривожланган давлатлардагидан кўра 2-3 марта кўп транспорт харажатини кўтаришга мажбур бўлмоқда.

Мамлакатларимизнинг транспорт соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш мақсадида тармоқ вазирлари учрашувлари доирасида Марказий Осиёда Транспорт ва транзит ҳақидаги битимни ишлаб чиқиш, бизнес учун қулай бўлган оралиқ тарифларни қўллаган ҳолда, Хитой, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига чиқиш учун самарали транспорт коридорларини ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни шакллантириш таклиф қилинди.

Бундан ташқари, Транспорт хизматлари бозорини либераллаштириш ва рухсат этишга доир тартиб-таомилларни оптималлаштириш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш ҳамда Халқаро ташувларнинг интеграциялашган рақамли платформасини яратиш масаласини кўриб чиқиш таклифи илгари сурилди.

— Афсуски, минтақада энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш суръатлари саноатлаштириш ва урбанизация жараёнлари, шунингдек, демографик ўсишдан орқада қолмоқда. Бугунги кунда бу мамлакатларимизнинг узоқ муддатли барқарор ривожланиши йўлидаги жиддий таҳдиддир, — дея энергетик хавфсизликни таъминлашдаги муаммоларга эътибор қаратди давлатимиз раҳбари.

Тармоқ вазирликлари ва миллий компанияларимизнинг геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли конларни ўзлаштириш, энергия ресурсларини сақлаш ва етказиб бериш бўйича мавжуд инфратузилмаларни кенгайтириш ва замонавий инфратузилмаларни яратиш соҳасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, электр энергиясини етказиб бериш учун янги магистраль тармоқларни барпо этиш ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишига айланиши лозим.

Шу билан бирга, энергия манбаларини диверсификация қилмасдан, муқобил энергетика соҳасига инвестиция ва технологияларни жалб этмасдан ва "яшил" водородни ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб, минтақани барқарор ривожлантириш мумкин эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги заиф нуқталар кўрсатиб ўтилди. Булар — аграр секторнинг илмий-технологик жиҳатдан етарлича ривожланмагани, сув ресурслари борасидаги ўткир тақчиллик, қўшимча қиймат яратишнинг узоқ ва самарасиз занжирлари, иқлим инқирози ва логистикадаги узилишлар олдидаги беқарорлик, соғлом овқатланиш масалалари.

Бу соҳада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўмагида минтақавий Шериклик дастурини тайёрлаш муҳим. Зеро, мамлакатларимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан нафақат минтақанинг ички бозоридаги мавжуд эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш, балки уларни экспорт қилишдек муҳим имкониятга ҳам эгадир.

— Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим омилига айланмоқда. Шу муносабат билан, келгуси йил баҳор фаслида Самарқандда Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро форум ўтказмоқчимиз, — деб давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари делегацияларини ушбу форумга таклиф этди.

Иқлим барқарорлигини ва "яшил" тараққиётни таъминлашга амалий ҳисса қўшиш мақсадида Иқлим ўзгаришларига мослашиш масалалари бўйича минтақавий стратегияни қабул қилиш ташаббуси билдирилди.

Минтақанинг иқлимга оид ягона кун тартибини шакллантириш ва биргаликда таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш учун экология вазирлари даражасида "Иқлим бўйича Марказий Осиё мулоқоти" кўп томонлама платформасини таъсис этиш таклиф қилинди.

— Умумий тарих, урф-одат, маданият ва қадриятларга — Марказий Осиёнинг ноёб цивилизацияси муштараклиги ва ранг-баранглигига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик бизнинг энг муҳим анъанавий устувор йўналишимиздир, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Бу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Марказий Осиё мамлакатларининг маданий-гуманитар ҳамкорлигини чуқурлаштириш бўйича Ҳаракатлар режасини қабул қилиш таклиф этилди.

Айни вақтда бизнинг ноёб маданий-тарихий ва маънавий меросимизни халқаро майдонда кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фаол фойдаланиш зарур.

Умумий минтақавий контентни шакллантириш учун олимлар ва кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда "Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак" халқаро медиа платформасини яратиш бу йўналишдаги амалий қадам бўлади.

Марказий Осиё давлатларининг ёшларга оид сиёсатига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ёшларнинг билим ва малакасини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш, уларни етук малакали кадрлар қилиб тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида шу йўналишдаги халқаро ташкилотлар иштирокида Марказий Осиё ёшлари имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш марказини ташкил этишни таклиф этамиз. Шунингдек, мамлакатларимиздаги истеъдодли ёшлар учун илм-фан ва таълим соҳасида Ал-Хоразмий, Форобий, Жомий, Махтумқули, Чингиз Айтматов каби Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар, аллома ва файласуфлар номидаги минтақавий грант ва стипендиялар таъсис этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилди. Хавфсизлик масалалари бўйича давлатларимизнинг Хавфсизлик кенгашлари котиблари томонидан мувофиқлаштириб бориладиган мунтазам йиғилишларни ўтказиш ҳақидаги таклиф қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиё мамлакатлари чегараларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича Давлатлараро дастурни ишлаб чиқиш ҳамда Фавқулодда вазиятлар юзасидан прогнозлар қилиш, уларнинг олдини олиш, барвақт огоҳлантириш ва уларга биргаликда қарши туриш борасида Минтақавий тизимни шакллантириш ташаббуси илгари сурилди.

Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка бевосита таъсир кўрсатадиган энг асосий омиллардан бири Афғонистондаги вазиятдир.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон бундан буён ҳам афғон халқига зарур ёрдам кўрсатади, шу мақсадда Термиздаги халқаро хабни гуманитар кўмак учун тақдим қилади, афғон фуқароларини махсус ташкил қилинган таълим марказида ўқитишни давом эттиради.

Трансафғон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини илгари суриш билан бирга Афғонистоннинг ички транспорт йўлларини тиклаш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, афғон томони билан чегаралар хавфсизлиги, сувдан фойдаланиш ва савдо-сотиқни ривожлантириш масалалари бўйича мулоқот муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Сўзининг якунида Президентимиз Маслаҳат учрашувлари ишлари бўйича Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашини таъсис этиш таклифини қўллаб-қувватлади ҳамда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий кенгашини ташкил этишни таклиф қилди.

Ўзбекистон раҳбари учрашув натижалари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга, кенг миқёсдаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон раҳбарлари сўзга чиқди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби саммит иштирокчиларига видеомурожаат йўллади.

Тадбир якунида қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди: Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича қўшма баёнот, Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида битим, Марказий Осиёда ер усти транспортининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида битим, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ишлари бўйича Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши тўғрисида низом, 2022 — 2025 йилларда Марказий Осиёда саломатлик ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш учун "Йўл харитаси".

Шундан сўнг Душанбе шаҳридаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида расмий тадбирлар, концерт ҳамда минтақа мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳамда фахрий меҳмон — Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг фахрий нишони билан тақдирлаш маросимида иштирок этдилар.

Фахрий нишон 2021 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувида таъсис этилган бўлиб, у билан минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшган шахслар мукофотланади.

Сўнг етакчилар "Кўҳи Борбад" саройида мамлакатларимиз санъат усталари иштирокидаги "Дўстлик оқшоми" концерт дастурини биргаликда томоша қилдилар.

Фольклор-этнографик жамоалар ва эстрада артистларининг чиқишлари, миллий қўшиқ ва рақслар халқларимиз қардошлиги ҳамда маданий муштараклигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Тадбирлар дастури "ЭКСПО Марказий Осиё — 2023" кўргазмасига ташриф билан давом этди. У ерда Президентларга минтақада ишлаб чиқарилаётган асосий турдаги маҳсулотлар намойиш этилди.

"Made in Uzbekistan" бўлимида юртимиз заргарлик, тўқимачилик, чармпойабзал, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва туризм тармоқлари салоҳияти акс этган.

Кўргазмадан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон маҳсулотлари ҳам жой олган. Экспозициянинг умумий майдони 1800 квадрат метрдан ортиқ.

Танишув якунида давлат раҳбарлари мутасаддиларга ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар бердилар.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасидаги концерт, Хотин-қизлар мулоқоти учрашуви, иқтисодий форум, маҳсулотлар кўргазмаси, транспорт вазирлари учрашуви, ректор ва олимлар форуми ҳамда шу кунларда Душанбеда ўтаётган бошқа маданий-гуманитар тадбирлар Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган саммит сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тожикистонга амалий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

# ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида "Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш шароитида гендер тенглигига эришиш" мавзуида ўтказилган Марказий Осиё етакчи аёллар мулоқотининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.*

## Мулоқот

Таъкидлаш лозимки, тадбир Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги бешинчи Маслаҳат учрашуви доирасида уюштирилди.

Минтақадаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ролини ошириш ҳамда барқарор ривожланиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида норасмий минтақавий платформа ҳисобланган Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотига 2020 йил декабрь ойида Ўзбекистон ташаббуси билан асос солинган. 2021 йилда мулоқотга Ўзбекистон раислик қилган эди.

Тадбирда Қозоғистон парламенти Спикери ўринбосари, Қирғизистон Жоғорку Кенеш Торағаси ўринбосари, Тожикистон ва Туркманистон депутатлари, давлат органлари раҳбарлари, шунингдек, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Терроризмга қарши кураш қўмитаси Ижроия тузилмаси раҳбари ва Бош котибнинг махсус вакили Наталья Герман видеомурожаат қилди.

Минтақа давлатлари раҳбарлари мулоқот иштирокчиларига Мурожаатнома йўлладилар, унда етакчилар Марказий Осиё мамлакатларида гендер ривожланишини рағбатлантиришга содиқ эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Йиғилишда иқлим ўзгариши шароитида гендер тенглигига эришиш ҳамда барча аёл ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш юзасидан келгуси ҳамкорлик бўйича тавсиялар илгари суриш учун платформа яратиш ҳамда тегишли стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш каби масалалар муҳокамалар марказида бўлди. Томонлар фикрлар, маълумотлар ва тажриба билан алмашишди.

Сенат Раиси Т. Норбоева ўз сўзида ҳозирги вақтда Марказий Осиё дунёнинг бошқа кўплаб минтақаларига қараганда глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини кўпроқ бошдан кечираётганини қайд этди. Ўз навбатида, бу сув ресурслари танқислигини, музликларнинг эришини ва чўлланиш жараёнларини тезлаштирмоқда.

— Орол денгизининг қуриши ва қуриган тубида 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонга эга Оролқум тузли чўлининг пайдо бўлиши минтақада комплекс экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Буларнинг барчаси БМТ Бош Ассамблеясига Орол фожиасини замонамизнинг глобал экологик муаммоси сифатида тан олиш имконини берди.

Бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли мулоқот майдони гендер тенглигини таъминлаш, шу жумладан, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши курашиш шароитида талаб юқори бўлган таклифларни ишлаб чиқишда муҳим платформага айланди.

Йирик халқаро форумларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан "5 давлат — 1 минтақа — 1 овоз" форматида минтақавий баёнотлар ҳам илгари сурилмоқда ва халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ, ШҲТ, МДҲ ва ТДТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида самарали ҳамкорликни ошириш мақсадида муҳим чоралар ташаббус қилинмоқда, — деди Сенат Раиси.

Шунингдек, қатор таклифлар ҳам илгари сурилди. Мулоқот аъзоларининг мурожаатини тайёрлаш ва уни БМТ доиравий конвенцияси иштирокчиларининг 28-конференциясида "Марказий Осиё давлатларининг "Марказий Осиё овози" минтақавий баёноти"га алоҳида банд сифатида киритиш, платформа доирасида 2023 йилга мўлжалланган мулоқот бўйича ҳаракатлар режасига тегишли банд сифатида иқлим ўзгариши муаммолари оғирлашганда аёлларни қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳни ташкил этиш масалалари шулар жумласидандир.

Анжуман панель сессияларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Уларда "Марказий Осиёда иқлим ўзгариши ва табиий офатларга мослашиш шароитида гендер тенглигига эришиш" ва "БРМни амалга оширишда Марказий Осиёнинг экологик ташаббуслари" мавзулари юзасидан муҳокамалар уюштирилди ва иштирокчиларнинг қатор таклиф ҳамда тавсиялари тингланди.

Тадбир якунида билдирилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти Душанбе учрашувининг якуний декларацияси қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – МУҲОКАМАДА

*Кеча халқ депутатлари Ғиждувон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, шу жумладан, энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш, энергия самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда захирасини шакллантириш масалалари юзасидан Ғиждувон тумани ҳокими Ш. Ашуровнинг, шунингдек, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Толибовнинг ахборотлари эшитилди.*

## Сессия

Сессияда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг барча ҳудудида 2023-2024 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, ушбу манбалар орқали электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотларда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида Ғиждувон туманида ҳам тизимли ишлар бажариляпти.

Жумладан, куз-қиш мавсумида таълим ташкилотларини иссиқлик билан таъминлаш сифатини ошириш чоралари кўрилиб, ташқи иситиш тармоқлари изоляция қилинди. Таълим муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати бўйича кунлик мониторинг олиб борилаётир. Давлат мактабгача таълим ташкилотларининг электр тизимларидаги камчиликлари бартараф этилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, туманда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, тумандаги 324 та объектда 1,4 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатилган. "Яшил энергия" махсус қайта молиялаш кредитлари доирасида вилоятдаги тижорат банклари томонидан жами қуввати 282 кВт бўлган 133 та жисмоний ва юридик шахсга қуёш панелларини ўрнатиш учун 3,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган.

Депутатлар иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали тураржой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш параметрларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажариш, туманнинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларида кўмир ёқилғиси ва суюлтирилган газ билан таъминланиш даражасини янада ошириш ҳамда унинг узлуксиз етказилиши устидан мунтазам назорат ўрнатиш кераклигини таъкидладилар.

Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ички бозорларда нарх-навонинг барқарорлигини сақлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини қўллаб-қувватлашга туманда устувор аҳамият қаратилаётгани қайд этилди.

Хусусан, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигига эришиш ва захирасини яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш мақсадида 10296 гектар, шундан 5080 гектар фермер хўжаликлари ер майдонларида, 1589 гектар деҳқон хўжаликларида ва 3627 гектар аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиб, экинлар экилган.

Сессияда қайд этилганидек, қиш ва баҳор ойларида туман ички бозорларида нарх-наво барқарорлигини сақлаш мақсадида экинлар ҳисобидан қиш-баҳор мавсуми учун жами 2,8 минг тонна, жумладан, 473 тонна пиёз, 1,4 минг тонна картошка, 488 тонна сабзи, 515 тонна гуруч захира қилиниб, жадвал асосида ойма-ой ички бозорга чиқарилиши белгиланган.

Депутатлар туманда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлаш юзасидан белгиланган тадбирлар ижроси бўйича назорат ўрнатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантиришни назарда тутувчи қулай муҳитни яратиш лозимлигини уқтирдилар.

Сессия ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов иштирок этди. Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ҳамда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг аҳамияти, уларда белгиланган устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Спикер халқ депутатлари туман Кенгаши, унинг депутатлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар бўйича халқ депутатлари Ғиждувон тумани Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Маъруф ОЛИМОВ,**
**халқ депутатлари Ғиждувон тумани Кенгаши депутати:**

— Сессияда долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ўтган даврда туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, энергия самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда захирасини шакллантириш бўйича салмоқли ишлар бажарилган. Туман масъуллари ҳисоботларини муҳокама этиш жараёнида бунга амин бўлдик.

Йиғилишда қуйи палата депутатлари қатнашгани, янгиланган Конституция ва "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг мазмун-моҳияти ҳақида кенг маълумотлар берилгани, тумандаги муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги масалаларни биргаликда муҳокама этиб, уларни ҳал қилиш бўйича зарур чоралар белгиланганини айни муддао бўлди. Бу каби омиллар фаолиятимизга янгича руҳ бағишлаб, иш самарадорлигини янада оширади.

**Қилич СИРОЖЕВ,**
**халқ депутатлари Ғиждувон тумани Кенгаши депутати:**

— Озиқ-овқат хавфсизлиги аҳолиси барқарор ўсиб бораётган Ўзбекистон учун ҳам доимий эътибордаги долзарб масала ҳисобланади. Шу боис сўнгги етти йилда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Сессияда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишлари Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Энг муҳими, туманда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда захирасини шакллантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Ишонамизки, мазкур чора-тадбирлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

# ОРОЛ ДАРДИ — ОЛАМ ДАРДИ



*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви доирасида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммитида иштирок этмоқда.*

*Айтиш жоизки, ушбу жамғарма Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари ҳамкорлигида Орол денгизи ҳавзасида экологик инқирозга барҳам бериш ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш мақсадида тузилган минтақавий ташкилотдир.*

## Муносабат

1993 йил 4 январда Марказий Осиёнинг бешта давлати Тошкентда Оролни қутқариш халқаро жамғармасини (ОҚХЖ) ташкил этиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди ва бу қарор 1993 йил 26 мартда Қизилўрда шаҳрида тасдиқланди. 2008 йилда ОҚХЖ БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомига эга бўлди ва бу халқаро ташкилотни Орол денгизи минтақаси бўйича бир қатор резолюцияларни қабул қилишга ундади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсатда минтақа давлатлари билан ҳамкорлик устувор бўлган ташаббуслари ОҚХЖ фаолиятига кўп жиҳатдан янги турткин берди. Ваҳоланки, турли сабабларга кўра, 2009 йилдан кейин тўхтаб қолган ОҚХЖ таъсисчи давлатларининг саммити Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланди, унинг ишидаги фаолиятини тўхтатган Қирғизистон жамғармадаги фаолиятини қайта тиклади.

Орол денгизи экологик инқирозининг оқибатларини бартараф қилиш бўйича кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш Марказий Осиё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Аввало, Ўзбекистоннинг ўзи ушбу йўналишдаги аниқ лойиҳаларни фаол излаб топиб амалга оширишда пешқадамлик қилгани баробарида, бу жараёнга халқаро ҳамжамиятни ҳам жалб этмоқда.

Ўтган даврда ОҚХЖ доирасида минтақада мураккаб сув хўжалиги масалаларини ҳал қилиш, сув танқислиги, Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларини биргаликда бошқариш, фойдаланиш ва муҳофаза этиш бўйича ҳамкорлик борасида қатор шартномалар ҳамда битимлар имзоланди. Ўзбекистон Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича кенг миқёсли лойиҳаларни амалга оширади.

Шунингдек, сўнгги йилларда глобал экологик муаммолар кескинлашаётган шароитда мамлакатимиз экологик хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит, набатот ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси ҳамда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳозирги ва келгуси авлод учун соғлом табиий муҳитни сақлаб қолиш, биологик хилмахиллик қисқаришининг олдини олиш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши курашиш, трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Президентимиз томонидан Орол денгизининг қуриши натижасида минтақада юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилаётгани "аср фожиаси" кўламини камайтиришга ҳисса қўшаётгани эътиборга сазовор. Бундан кўзда тутилган мақсад аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш, ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини оширишдан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда қулай агробизнес тизимини йўлга қўйиш, таълим соҳасида қўшимча имкониятлар ва инсон капитали ривожини янги босқичга кўтаришга шарт-шароит яратиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиб турибди.

Чунончи, Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилишда, шу жумладан, бундай товарларни ишлаб чиқариш учун керакли хомашёни республика бўйлаб ташишда транспорт харажатларининг маълум қисмини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш амалиёти йўлга қўйилган.

Эътироф этиш жоизки, ушбу мақсадлар йўлида сўнгги етти йилда Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга, туб ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 дан зиёд Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори сифат босқичига олиб чиқилиб, янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган янги Қорақалпоғистонни барпо этиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир.

Янгиланган Конституциямизда ҳам Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан давлат томонидан чора-тадбирлар кўрилиши ўз аксини топди. Бу эса сўнгги йилларда Оролбўйи ҳудудида амалга оширилаётган кенг кўламли фаолиятни изчил давом эттиришнинг ҳуқуқий кафолатини мустаҳкамлайди.

### Ўтмишга назар

Сайёрамиздаги энг катта кўллардан бири ҳисобланган Орол денгизининг қуриши дунёдаги энг йирик экологик фожиалардан бири бўлиб, нафақат Ўзбекистон, балки минтақадаги барча давлатлар учун қатор экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар муаммоларни келтириб чиқарди.



Ўтган асрнинг 60-йилларида денгизнинг майдони ўртача 68,9 минг квадрат км., сув ҳажми 1083 куб км., узунлиги 426 км., эни 284 км., энг чуқур нуқтаси эса 68 метрни ташкил этиб, денгизда йилига 35 минг тоннагача балиқ овланган. Маҳаллий аҳолининг катта қисми балиқ ва балиқ маҳсулотларини овлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш билан шуғулланган.

Кемасозлик саноат асосида ривожланган, Амударё ва Сирдарё бўйларидаги серҳосил ерларда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва мўйначилик учун барча шароит мавжуд бўлган. Бу эса ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида, аҳолининг турмуш шароитида муҳим аҳамият касб этган.

Афсуски, балиқчилик равнақ топган денгиз ўрнида майдони 5,5 млн. гектарга тенг бўлган чўл, янги Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Денгиз тубидан кўтариладиган қум ва туз бўронлари борган сари авж олди. Ҳудуддан ҳар йили бир неча минг километр масофагача таркибида нафақат атроф-муҳит, балки инсон саломатлиги учун ўта зарарли бўлган 100 млн. тоннадан ортиқ қум, туз зарралари ва кимёвий бирикма қолдиқлари тарқала бошланди.

Орол фожиаси минтақадаги иқлим шароитини оғирлаштириб, ёз даврида қуруқлик ва жазирамани кучайтирди, совуқ ва қақшатқич қиш кунларини узайтириб юборди. Мутахассислар таъкидлашича, 2035 — 2050 йилларга бориб минтақадаги ҳаво даражаси ҳозирги кўрсаткичларга нисбатан яна 1,5 — 3 даражага ўсиши мумкин.

Минг афсуски, Орол минтақасининг заҳарли тузлари Антарктида соҳилларида, Гренландия музликларида, Норвегия ўрмонларида ва Ер сайёрасининг бошқа кўплаб нуқталарида топилмоқда.

Орол денгизининг сув ҳажми 17 баробар қисқариб, унинг сув юзаси эса 11 марта камайди. Сув сатҳи 32 метрга пасайди. Шўрланганлик даражаси эса деярли 25 маротаба ортиб, дунё океанлари минераллашуви кўрсаткичига нисбатан 11 баробар кўпайди. Бу омиллар минтақа флора ва фаунасига ўнглаб бўлмас зиён етказди. Сувда яшайдиган жонзотлар деярли қолмади. Ачинарлиси, бир пайтлар Орол сувларида мавжуд бўлган ўнлаб турдаги балиқлар ҳозирги вақтда мутлақо учрамайди.

Умуман, ўтган даврда Оролбўйи ҳайвонот дунёсининг 50 фоиздан ортиғи бой берилди. Оролбўйи ҳудудидаги тўқайзорлар майдони деярли 90 фоизга қисқарди. Денгизнинг қуриши оқибатида транспорт, балиқчилик, чорвачилик, мўйначилик ва бошқа анъанавий фаолият турлари таназзулга юз тутди, ишсизлик авжига чиқди. Ҳудудда экологик миграция жараёнлари бошланди.

### Маданият Мўйноқдан бошланади

Орол денгизи фожиаси ўзининг гуманитар, экологик ва ижтимоий-иқтисодий салбий оқибатларининг кўлами жиҳатидан глобал муаммога айланган. Шу боис сўнгги йилларда Оролбўйи минтақаси экологик барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Президентимиз томонидан қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72 ва 75-сессияларида Орол денгизи инқирози чегара билмайдиган глобал экологик муаммолардан бири эканлигини таъкидлаб, дунё ҳамжамиятини огоҳликка чақирди. Ана шундай таклиф ва ташаббуслар натижаси ўлароқ, 2018 йилнинг 27 ноябрь куни Нью-Йорк шаҳридаги БМТ қароргоҳида муҳим тарихий воқелик юз берди. БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилди.

Ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлган мазкур фонднинг асосий мақсади Оролбўйидаги аҳоли турмуш фаолияти билан боғлиқ бўлган тиббий, иқтисодий ривожланиш, экологик, ижтимоий ҳимоя ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда мувофиқлаштирилган ёндашувни таъминлаш, Ўзбекистон ҳукумати, БМТ агентликлари, донорлик ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва минтақа ривожи учун техник ҳамда молиявий ресурсларни сафарбар этиш ва Оролбўйи минтақаси учун ўзига хос экологик инновацион технологиялар ҳамда ёндашувларни жалб қилишдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Туркманистонда 2019 йилда бўлиб ўтган саммитида Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш таклифини илгари сурди. 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди.

Бу ташаббус экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш, "яшил" иқтисодиёт, экологик тоза, энергия ва сув тежайдиган технологиялар тамойилларини комплекс татбиқ қилиш, чўлланиш ва экологик миграциянинг давом этишига барҳам бериш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

Ушбу махсус резолюцияда белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш, Оролбўйи минтақасини экологик ва гуманитар инқироз юз бераётган ҳудуддан экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 июлда "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан Оролбўйи минтақасига иқтисодиёт тармоқларида ресурс тежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, экологик барқарорликни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга боғлиқ 2021 — 2024 йилларда амалга оширилиши белгиланган 7 та йўналишдаги 71 та тадбирдан иборат "Йўл харитаси" тасдиқланди.

"Йўл харитаси"даги тадбирлар учун турли манбалардан 312 млрд. сўм, 22,2 млн. АҚШ доллари, 6 млн. еврога тенг маблағлар сарфланиши, ҳар бир йўналиш бўйича тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг раҳбарлари бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлар томонидан таъминланиши белгилаб берилди. Шу билан бирга, қарор билан махсус резолюцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 2021 — 2024 йилларда бажарилиши режалаштирилган 65 та устувор инновацион лойиҳа тасдиқланди. Бу лойиҳалар учун турли манбалардан 1,9 трлн. сўм маблағ жалб этилиши ва натижада 4,5 мингта иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Биргина Мўйноқ туманини олайлик. Туманни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Кейинги олти йилда мазкур ҳудуд аҳолисини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилди. Президентимизнинг "Мўйноқда рўй бераётган ўзгаришлар, кўзларингиздаги ҳаётдан мамнунлик кишини қувонтиради. Бу узоқ-узоқ ҳудудларга бориб қилаётган ишларимиз натижасидир. Агар кимдир бизнинг ислоҳотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин, маданият — Мўйноқдан бошланади" деган фикрлари ўз тасдиғини топмоқда.

Айниқса, Тошкент — Мўйноқ — Нукус авиақатновининг йўлга қўйилиши нафақат мўйноқликлар, балки халқимиз учун катта янгилик бўлди.

### Илғор ташаббуслар — муаммолар ечими

Аёнки, Орол денгизининг қуриган тубидан миллионлаб тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, катта ҳудудга тарқалар эди. Давлатимиз раҳбари Орол денгизининг қуриган жойига бориб, вазият билан танишгач, туманнинг экологик шароитини ҳисобга олган ҳолда, яшил қопламаларни кўпроқ барпо этиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Хусусан, Президентимиз 2018 йили Мўйноққа ташрифи чоғида олимлар билан маслаҳатлашиб, у ерда шўрга чидамли ўсимликлар экиш вазифасини қўйди. Ўтган йилларда денгизнинг суви қуриган қисмида 1 млн. 800 минг гектар тўқайзор барпо этилди. Бунинг учун саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликларидан қарийб 6 минг тонна уруғ тайёрланиб, қийин шароитларда экилди. Шунингдек, мамлакат раҳбари экологлар ва ўрмон хўжалиги мутахассислари билан суҳбатлашиб, Оролбўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйича 5 йиллик миллий дастур ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бу, ўз навбатида, экологик шароитни яхшилашга ва Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи халқнинг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Оролбўйи ва умуман, минтақа экотизимини барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этяпти. Жумладан, Орол денгизининг қуриган тубини ўрмонлаштириш, аввало, атроф-муҳит ҳолатини юмшатиш, табиий ресурсларнинг деградацияси ва денгизнинг қуриган тубидан қум, чанг кўтарилишининг максимал даражада олдини олишга, фауна олами учун қулай экотизим шаклланишига, чўл ўрмонлари майдони ва биохилмахилликнинг кенгайиши ҳисобига минтақада иқлим ўзгаришининг юмшашига шароит яратмоқда.

Ҳа, давлатимиз раҳбарининг чинакам эътибори туфайли ҳудудга ҳаёт қайтди, одамларда эртанги кунга ишонч ва умид пайдо бўлди. Муҳожирликка юз тутган одамлар ўз гўшаларига қайтмоқда...

Мақола аввалида таъкидланганидек, бугун Душанбе шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг Орол муаммосига бағишланган учрашуви бўлиб ўтяпти. Табиийки, саммитга давлат раҳбарлари Орол фожиаси кўламини камайтиришга қаратилган ўз таклиф ва ташаббуслари билан келган. Чунки Орол дарди — минтақа дарди, олам дарди. Зеро, муаммо ўз қобиғидан чиқиб, аллақачон глобал масалага айланиб улгурган. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқишида, халқаро даражадаги форум ҳамда саммитларда ушбу глобал муаммо ва унинг ечимига доир илғор ташаббуслар илгари сурилишининг боиси ҳам ана шунда.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

# Сув танқислиги: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Сув — ҳаёт манбаи. Унинг қиймати дунё глобаллашуви жараёнида янада яққол намоён бўлмоқда. Зеро, сув тириклик эволюциясига ҳам, атроф-муҳит, иқлим ўзгаришларига ҳам миллион йиллардан буён бекиёс таъсир кўрсатиб келади. Шундай экан, инсоният уни кўз қорачиғидек асраши шарт.*

## Мулоҳаза

Қайд этиш жоиз, ҳозирги пайтда сувга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳар қачонгидан тобора ортиб бормоқда. Натижада бутун дунёда сув танқислиги кузатиляпти. Ушбу долзарб масала Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилгача сув ресурслари Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударёда 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Бошқа томондан эса аҳолининг ўсиши ҳисобига, Ўзбекистонда 2030 йилга бориб, сувга бўлган талаб 7 млрд. куб метрга етиши, 2050 йилга бориб эса бу кўрсаткич икки баробарга ортиши мумкин.

Шуларни инобатга олиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш тубдан ислоҳ қилинмоқда. Асосий эътибор сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган. Бинобарин, Президентимизнинг Сайловолди дастурида ҳам сув ресурсларини тежаш алоҳида таъкидланиб, 2030 йилга қадар республикамиздаги суғорма деҳқончилик қилинадиган барча экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга ўтказиш, соҳага бозор механизмларини кенг татбиқ этиш, сув тежайдиган технологиялардан фойдаланаётган фермер ва деҳқонлар учун рағбатлантириш механизмларини янада кўпайтириш чоралари кўрилиши белгиланди.

Жумладан, 2017 — 2023 йилларда жами 1,2 млн. гектар майдонда, яъни қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийб 31 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Бу томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет суғориш, эгилувчан қувур, плёнка тўшаб суғориш каби технологияларни ўз ичига олади, ушбу йилларда 630 минг гектар ер лазерли текисланди.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалиётга йўналтирилмоқда. Чунончи, 2019 йилдан мамлакатимизда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим — субсидия ажратиш механизми йўлга қўйилди. 2022 йилдан бошлаб эса ушбу тизим рақамлаштирилди.

Албатта, бу борада амалга оширилган вазифалар келгусида сув тежовчи технологияларни жорий қилган майдонлар кўлами сезиларли даражада кенгайишига имкон беради.

Таъкидлаш керак, бугун барча жабҳада бўлгани каби, сув хўжалиги соҳасига ҳам рақамли технологияларни жорий қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 5479 та "ақлли сув" насос станциясига 1446 та онлайн назорат қурилмаси, шунингдек, мелиоратив кузатув қудуқларига минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилувчи 5055 та "Дайвер" ускунаси ўрнатилди, 45 та йирик сув хўжалиги объектининг бошқарув жараёни автоматлаштирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 3 млрд. куб метр сув иқтисод қилиниб, қўшимча 400 минг гектар майдонда сув таъминоти яхшиланди. Сувни бошқариш жараёнини автоматлаштириш орқали йўқотишлар 10 фоизгача камайтирилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда республикамизда сувни тежайдиган суғориш технологияларининг ускуналари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 50 дан ортиқни ташкил этиб, мазкур технологияларни маҳаллийлаштириш 80 фоизга етказилди. Айтиш керак, ушбу технологиялар қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархи арзонлашди. Айни чоғда ускуналарни қўшни республикаларга экспорт қилиш имконияти яратилди.

Яна бир муҳим эътироф — Ўзбекистон сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича Марказий Осиёда биринчи, МДҲ давлатлари орасида иккинчи, Осиёда тўртинчи ва дунёда 13-ўринда экани, албатта, қувонарли. Буни тизим фаолиятини янада ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарали ижроси натижаси, дейиш мумкин.

Ҳозирги вақтда мазкур йўналишдаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш мақсадида Сув хўжалиги вазирлиги олдига муҳим вазифалар қўйилди. 2030 йилгача суғориладиган экин майдонларини тўлиқ сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олиш ана шулар жумласидан. Айтиш жоиз, мамлакатимиз иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига асосланган, ҳудудимиз, аҳолининг катта қисми шу билан банд. Демак, қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини бир фоизга камайтириш миллионлаб тонна сувни тежаб қолиш ва уни аҳоли эҳтиёжларига йўналтириш имконини яратади.

Хуллас, сув танқислиги — глобал муаммо. Бундай шароитда дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш нафақат сув сарфини камайтириш имконини беради, балки "яшил" иқтисодиётга ўтишнинг муҳим элементига айланади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини кафолатлайди.

**Бахитбай АЛДАМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ ИККИ БАРОБАР ОШИРИЛАДИ

*"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Унга кўра, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун етказиб бериладиган электр энергия миқдори 120 млрд. кВтга етказилади. Табиий газ қазиб олиш ҳажми эса 62 млрд. куб метрга етказилиб, иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлиги 2 баробар ошириладии. Бундан кўзланган асосий мақсад — истеъмолчиларнинг зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминланишига эришиш.*

## Фикр

Илгари олис ҳудудлар, ҳатто туман марказларида ҳам электр энергияси таъминотидаги узилишлар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўларди. Сўнгги йилларда соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлар туфайли бу муаммолар ечим топмоқда. Аммо мавжуд энергетик инфратузилманинг катта қисми жисмонан ва маънан эскирган. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги жами 86 155 километрдан ортиқ масофадаги 10 кВт кучланишли электр узатиш тармоқларининг қарийб 40 фоизи, яъни 34 минг километрли қисми 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилмоқда. Унинг 27 158 километр масофадагиси 25 йилдан 40 йилгача бўлган муддат оралиғида ишлатиб келиняпти. 13 390 километрлик қисми тортилганига 10 йилдан 25 йилгача бўлган. Бор-йўғи, 13,5 фоизининг, яъни 11 593 километр масофадаги электр тармоқларининг тортилганига 10 йилдан кам муддат бўлди.

Шунингдек, 14 106 километр бўлган 6 кВт кучланишли электр узатиш тармоқларининг 5 795 километри 40 йилдан ортиқ, 4 205 километр қисми 25 йилдан 40 йилгача бўлган муддат оралиғида, 2 186 километр қисми эса 10 йилдан 25 йилгача муддатдан бери ишлатиб келиняпти. Атиги 1 919 километр қисми эса 10 йилдан кам муддат ишлаган. Бу улуш 13 фоиздан сал зиёдроқни ташкил қилади.

0,4 киловольт кучланишга мўлжалланган 138 369 километр электр узатиш тармоқларида ҳам деярли худди шундай. Яъни унинг 36,3 фоизини ташкил қилувчи 50 177 километр масофадаги электр кабеллар 40 йилдан ортиқ муддат мобайнида хизмат қилиб келаётгани учун жуда эскирган.

Мазкур электр тармоқларини янгилаш, тизимни модернизация қилиш ва ривожлантириш учун жуда катта маблағ талаб этилади. Шу билан бирга, мавжуд 94 мингта трансформаторнинг 33 мингтаси ҳам таъмирга муҳтож. Биргина шунинг ўзи учун қўшимча 380 млн. АҚШ доллари зарур бўлади.

Магистраль газ қувурлари бўйича ҳам худди шу аҳвол. Уларнинг 63 фоизи 30 йилдан кўпроқ, 29 фоизи 13 — 30 йил оралиғида узлуксиз фойдаланиб келиняпти. Мавжуд қувурларнинг атиги 8 фоизи 12 йилдан кам вақт ишлатилган бўлиб, қониқарли ҳолатда дейиш мумкин. Бунинг оқибатида газ инфратузилмаси ўз лойиҳа қувватининг 35 — 38 фоиз даражасида ишламоқда.

Инфратузилманинг эскириб кетганлиги сабабли, мавжуд энергия ресурсларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнининг ўзида катта йўқотишларга йўл қўйилмоқда. Давлат томонидан йиллар давомида соҳани бюджет ҳисобидан субсидиялаш, янги қўшилган истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш каби ишлар учун кўп маблағ сарфлаб борилгани туфайли инфратузилмани янгилаш ишлари анча орқада қолган.

Шу жиҳатдан, келгуси беш йилликнинг ўзида бир неча миллиард доллар маблағни айнан эскирган воситаларни янгилаш учун ажратиш зарурати юзага келган. Бугунги шароитда эскирган инфратузилмани модернизациялаш орқали йўқотилаётган ресурсларни истеъмолчиларга йўналтириш, шубҳасиз, энергетикадаги узилишларга барҳам беришда муҳим омил бўлади.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, электр энергияси барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, кўрилаётган таъсирчан чоралар мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги, пировардида эса аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, энергия ресурсларидан самарали, оқилона фойдаланишимиз, қисқаси, тежамкорликка ўрганишимиз зарур. Зотан, дунёнинг кўплаб давлатларида электр энергия тақчиллиги кузатилаётган бир пайтда энергия самарадорлиги ва тежамкорлигига эришиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

**Ботир МАРДАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Кадрлар тайёрлаш сиёсати:

# ФАН — ТАЪЛИМ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

*XXI асрда ҳар қандай мамлакатнинг илмий-техникавий ва иқтисодий кўрсаткичларининг халқаро рейтингидаги ўрни юқори технологик ютуқларидаги “инновацион оқимлари”нинг интенсивлиги билан белгиланади. Фан, технология, ишлаб чиқариш ва бизнесдаги кетма-кет инновациялар аллақачон замонавий давлатларнинг иқтисодий ривожланиши учун императивга айланди.*

## Таҳлил

Шу жиҳатдан, янги Ўзбекистон шароитида таълим тизимининг барча бўғинидаги узвийликни таъминлаш, жумладан, олий таълим тизимини фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари билан кўплаб олий таълим муассасаларига ҳудуддаги меҳнат бозори талабларига мос равишда бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш ваколати берилиши ҳам рақобатбардош кадрлар тайёрлашда катта замин яратмоқда.

Бугун мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларига ҳамда халқаро стандартларнинг талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш йўлида катта қадамлар билан илдамламоқда. Бу борада таълимга, илм-фанга давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганлиги фикримиз исботидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳадаги 4 та устувор вазифа кўрсатиб ўтилган эди. Булар:

биринчиси — олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедралар ваколатларини кенгайтириш;

иккинчиси — ўқув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратиш;

учинчиси — олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш;

тўртинчиси — профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар нафақат таълимнинг ривожланиши, балки тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берадиган фан — таълим — ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантиришнинг замонавий дастури сифатида ҳам эътироф этиш мумкин. Ушбу дастурнинг ҳаётга татбиқ қилиниши эса истиқболда ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг аниқ механизмлари яратилишига, уларни ишлаб чиқаришга қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Гулистон давлат университетида илмий-тадқиқот марказлари фаолиятидан даромад топиш, кафедраларни тармоқ корхоналари билан боғлаш, бириктириш, ўқитувчиларнинг корхоналарда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиб бериш, тармоқ корхоналари билан тузилган 10 йиллик ҳамкорлик шартномаларида белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич ижросини таъминлаш, хўжалик шартномалари, стартап лойиҳалари ва SPIN-OFF корхоналари сонини кескин кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Университет ёш олимларининг илмий янгиликларини амалиётга жорий қилиш ва тижоратлаштириш мақсадида жавдар унидан парҳезбоп нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилувчи қурилма — “Crop Protection Device” ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда “Ёш дизайнерлар” илмий-инновацион марказини очиш орқали SPIN-OFF компанияларини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Университетда амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар доирасида Сирдарё вилоятининг доривор ўсимликлари атласи ва рақамли электрон платформасини яратиш, бошланғич синф ўқувчилари учун тарбия фанини ўқитиш орқали миллий қадриятларни ўргатишга қаратилган электрон платформа ва мультимедиа мажмуасини яратиш, маҳаллий буғдой донидан юқори озуқавий қийматга эга бўлган оқсил унини ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологиясини яратиш, жавдар унидан аминокислоталарга ва витаминларга бой парҳезбоп нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини кучайтирувчи ҳамда замбуруғли касалликларига самарали таъсир этувчи персоналлаштирилган янги авлод препаратларини яратиш, киви ўсимлигини “in-vitro” шароитида кўпайтириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш, Сирдарё вилояти шароитида заъфарон етиштириш технологиясига асос солиш, қовун маҳсулотларини чиқиндисиз қайта ишлашнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш, самарадор янги конструк-



ция ва оптимал параметрлар асосида универсал сепараторнинг саноат намунасини яратишга эришиш кутилмоқда.

Жамият тараққиётида педагоглар фаолиятининг юксак аҳамияти Президентимиз томонидан ҳамиша таъкидланиб келинади. Шу маънода, сўнгги беш йил давомида профессор-ўқитувчилар жамоаси томонидан амалга оширилган ўқув, ўқув-услубий, илмий ва илмий тадқиқот ишлари баробарида, маънавий-маърифий соҳада ҳам бир қатор ўзгариш ва ютуқларга эришилди. Масалан, университет магистратурасида 2017 йилда учта мутахассислик бўйича 10 нафар магистр илмий тадқиқот иши билан шуғулланган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 18 та мутахассислик бўйича 397 нафарга етди. Умумий нашрлар сони 2017 йилда 367 тани, 2023 йилда 922 тани ташкил этди. Беш йил олдин жамоа томонидан 5 та монография чоп қилинган бўлса, 2023 йил давомида 29 та монография нашрдан чиқарилди ва 10 та патент олинди. Профессор-ўқитувчиларимизнинг хорижий олий таълим муассасаларида малака ошириш, стажировка ўташ ва докторантурада таҳсил олиши учун катта имкониятлар яратиб берилди. Профессор-ўқитувчиларнинг халқаро ва республика миқёсидаги илмий журналларда мақолалари сони ва сифати кескин ошди.

Буларнинг барчаси талаба-ёшларга билим бериш сифатининг ўсишига ва тайёрланаётган кадрлар салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда Гулистон давлат университети жамоаси фаол иштирок этаётганини англатади.

Умуман, юқорида келтирилган қарорлар олий таълим муассасаларига бир қатор енгилликлар бериши билан бирга, таълимни оптималлаштириш орқали сифат даражасини оширишга йўл очди.

Қарорда белгиланган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли бажариш мақсадида ташкил этилган Кузатув кенгашининг олиб борган фаолияти натижасида қисқа вақт ичида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, университет фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга оид 10 та ҳужжат ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Кузатув кенгаши аъзоларининг 131 банддан иборат 13 та мақсадли кўрсаткичи тасдиқланиб, бу бўйича чораклик мониторинг тизими ўрнатилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Сирдарё вилояти ҳамда Гулистон давлат университетини ривожлантириш мақсадида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида илмий лойиҳалар танловининг махсус 69-тури эълон қилинди. Танловда 6 та фан йўналиши бўйича умумий қиймати 12,5 млрд. сўм бўлган жами 9 та тематик мавзу эълон қилинди.

Университетнинг 15 нафар профессор-ўқитувчисини ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларида қисқа муддатли стажировкалари ташкил этилди.

Аёнки, юрт тараққиёти юксак билим ва касбий малакага эга, замон руҳи билан ҳамнафас, соғлом ва теран тафаккурли, рақобатбардош кадрларга боғлиқ. Шу боис университетда “Technoways Youth Business Incubator” ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги пайтда ушбу марказда 60 нафар талаба-ёш аъзоликка қабул қилинди. Бугунги кунда уларнинг 32 нафари ўз бизнес лойиҳасини ишлаб чиққан.

Жумладан, биринчи босқич докторанти Шоҳсанам Қаюмованинг “4-синф ўқувчиларини TIMSS халқаро баҳолаш дастурига тайёрлаш” электрон таълим ресурсини яратиш лойиҳаси, ёш олим Акмал Узайдуллаевнинг “Маҳаллий хомашё қанд лавлаги пульпасидан фойдаланган ҳолда қандолат яримтайёр маҳсулотлар технологиясини жорий қилиш” лойиҳаси бугунги кунда долзарб бўлиб, тез орада инновацион ва иқтисодий самаралар бериши кутилмоқда.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам илмий-техник буюртма ва грантларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда мавжуд муаммоларга янгича ечим топиш, тажрибали амалиётчиларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш, таълимда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва амалий мисоллардан кенг фойдаланиш каби йўналишларда олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш вазифалари белгилаб берилган. Буларни бажариш ҳамда фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграциясини янги босқичга кўтариш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланган.

Жумладан, университетда таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш; хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бюджетдан ташқари бошқа маблағлар ҳисобига университет таркибида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш; бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва техника-технологияларни яратиш орқали университет ҳузурида илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш билан шуғулланувчи “Ёш олимлар академияси”ни йўлга қўйиш; нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий қилиш; фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш қайд этилган.

Асосийси, юқорида кўрсатиб ўтилган меъёрий ҳужжатлар асосида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб университетнинг структурасига ўзгартишлар киритилди ва учта факультет базасида институтлар ташкил этилди. Булар — ахборот технологиялари факультети базасида Ахборот технологиялари институти; ижтимоий-иқтисодий факультет базасида — Рақамли иқтисодиёт ва инновациялар институти; ишлаб чиқариш технологиялари факультети базасида — Ишлаб чиқариш технологиялари институтларидир.

Янги очилган институтларда директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари лавозими ташкил этилиб, улар бир вақтнинг ўзида илмий марказларга раҳбарлик қилади. Бу раҳбарлар олдига асосий вазифа сифатида институтлардаги илмий ва инновацион ишлар кўламини кенгайтириш, кафедралар бош илмий мавзуларини истеъмолчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ва энг асосийси, “Илмдан — билимга” шиори остида фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграция жараёнларини янада жонлантириш белгиланди.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимини ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Албатта, соҳага қаратилаётган бундай эътибор мамлакатимиз олий таълим соҳасида янги босқични бошлаб берди. Зотан, илм-фан ва инновациянинг ҳаётимиздаги аҳамияти ошса, турмушимиз обод ва фаровон бўлади. Ишонамизки, таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг натижалари биз тайёрлаётган кадрларнинг сифати, билими, малакаси, маънавий-интеллектуал савиясида ўз сўзини айтади.

**Муҳсин ХОЖИЕВ,**
**Гулистон давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

## Адабий кеча

# СОҲИР ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер таваллудининг 80 йиллигига бағишланган “Жоним каби севдим Ватанни!” номли маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Унда ёзувчи-шоирлар, ижодкорнинг мухлислари, оила аъзолари, яқин дўстлари ва талаба ёшлар қатнашди.*

Тадбирда Абдулла Шер ўзининг оташин шеърлари, бири-биридан гўзал достонлари, таржималари билан ўзбек адабиётига катта улуш қўшгани таъкидланди. Шоир умрининг саксон довонидан ошди, саксон баҳору кузни ўз ҳаёти дафтарига, инсонлар қалбига сўз воситасида гоҳида маҳзун, гоҳида масрур битиклар билан муҳрлади. Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида ижодкорга “Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” унвони берилиши Абдулла Шер босиб ўтган йўлнинг, ўтказган умрнинг, сўз ишқидаги ҳар бедор кечанинг муносиб баҳоси бўлди.

— Чинакам шоир одамнинг кўнглини бутун қилади, — деди адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев. — Абдулла Шер — ўз битиклари билан одамларга гўзаллик, адолат, ҳақиқатни, бахтли ва сурурли туйғуларни ҳадя этадиган ижодкор. Унинг шеърлари китобхонни гўзаллик ахтаришга ундайди. Шоир йўқ жойдан бир дунё гўзаллик топа олади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер ижодига бағишланган адабий тадбирлар мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари, мактаблар, кутубхоналарда давом этмоқда.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

**«Mineral resurslar instituti» davlat muassasasi 2024-yil uchun tayanch doktoranturaga qabul e’lon qiladi**

Quyidagi geologiya-mineralogiya fanlari mutaxassisligi bo‘yicha tayanch doktoranturaga (PhD):

— 04.00.02 Qattiq foydali konlar geologiyasi, ularni qidirish va razvedka qilish. Metallogeniya va geokimyo (ikki o‘rin).

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 22-maydagi 304-sonli qaroriga binoan qabul joriy yilning 15-oktabrigacha davom etadi.

Hujjatlar yagona elektron tizim orqali elektron shaklda https://phd.mininnovation.uz havola orqali qabul qilinadi.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**2024 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc) ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:**

**Стажёр-тадқиқотчи:**
08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 1 ўрин.
08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти — 1 ўрин.
08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт — 1 ўрин.

**Таянч докторантура (PhD):**
08.00.02 — Макроиқтисодиёт — 1 ўрин.
08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 2 ўрин.
08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти — 1 ўрин.
08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт — 2 ўрин.

**Докторантура (DSc):**
08.00.02 — Макроиқтисодиёт — 1 ўрин.

**Ҳужжатлар 2023 йил 15 октябргача қабул қилинади.**

**Стажёр-тадқиқотчи бўйича ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- ариза;
- паспорт нусхаси;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим магистратураси дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

**Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- ариза;
- паспорт нусхаси;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим магистратураси дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади;
- тил бўйича миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат.

**Докторантурада (DSc) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- ариза;
- паспорт нусхаси;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- тил бўйича миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат.

Докторантурага талабгорлар коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари, стажёр-тадқиқотчи ва докторантурага кириш учун суҳбат 2023 йил 1 — 25 ноябрь кунлари ўтказилади.

**Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов шоҳкўчаси, 49-уй.**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети бош биноси,14-қават, 14 — 07- хоналар.**
**Телефон: 71-239-29-42.**
**website: www.cedr.uz**
**e-mail: info@cedr.uz**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 088 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.35 Топширилди — 04.25 1 2 3 4 5 6